**КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 248 (10.051) / 2003 ЙИЛ 26 ДЕКАБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

**Бугун элим, юртим деб ёнган ҳар бир кишининг тили ва дилида Истиқлол. Уни куйламоқ бахтига эришганимиздан мағрур ва масрурмиз. Истиқлол қуёши толеимизни сарбаланд қилди. Истиқлол туфайли йилларимиз бир-биридан мазмунли ва файзли кечмоқда. Бугун биз дилдаги битмас-туганмас орзуларимизни имкон қадар рўёбга чиқариб, ўзининг сўнгги кунларини ўтаб бораётган йилимиз билан хайрлашмокдамиз.**

## ЮРТИМИЗДА ЯНГИ ЙИЛ НАФАСИ

Ўтаётган йилимиз жамиятимизда қарор топиб бораётган демократик қадриятлар ва кенг кўламли ислоҳотлар, халқаро майдонда қозонган юксак обрў-эътиборимиз, эртанги ҳаётимизни янги босқичга кўтариш ва эзгу орзуниятларимизни амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлди деб ҳақли равишда айта оламиз. Шу муддат ичида қанча-қанча кўча ва хиёбонлар, кўприклар, обод маҳаллалар ва турар жой бинолари, йирик марказлар бунёд этилди. Бугун маданий ва маънавий ҳаётимизда рўй берган барча янгиликлар, ўзгаришларни бирма-бир санаб, адоғига етолмаймиз.

Бўсағада турган янги— 2004 йилимизни биздан бир неча кунгина ажратиб турибди. Ҳамма жойда каттаю кичикнинг бирдек севимли байрами бўлган бу тантанага қизғин тайёргарлик бормоқда. Бугун сиз республикамиз жумладан, пойтахтимизнинг қайси гўшасига борманг одамлар руҳида тантанавор кайфиятни кўрасиз. Бугун мамлакатимиз Бош майдони янада серфайз. Янги йил арчаси атрофи кичкинтойлар билан гавжум. Шаҳримизнинг машҳур корхоналаридан бири бўлган «Совпластитал» жамоаси томонидан махсус тайёрланган 20 метрли «Ўрмон гўзали» — арчани



безаш ва ўрнатиш ишларини шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси ва «Тошшаҳарнур» хизматчилари аъло даражада бажарищди. Бу ерда ўтадиган Янги йил томошаларида 250 дан ортиқ иштирокчилар қатнашади. Улар орасида пойтахт театрларининг номдор артистлари, цирк усталари, шунингдек, энг яхши бадиий ҳаваскорлик жамоалари бор. Байрам тантаналарига масъул бўлган ташкилий ижодий гуруҳ аъзолари уни ўзига хос кўнгилли ўтказишни олдиндан режалаштириб қўйишган.

Ҳар куни эрталаб соат 11.00 дан кечки соат 18.00 гача давом этадиган концерт ва театрлаштирилган кўрсатувлар ўз томошабинларини кутади. Кичкинтойлар кун давомида Алпомиш, Хўжа Насриддин ва албатта Қорбобо ҳамда Қорқиз билан учрашадилар.

Айтишларича, йилнинг қандай келиши уни мазмунли кутиб олиниши ва йил бошидаги кутлуғ нафасга боғлиқ дейишади. Шу маънода айтадиган бўлсак одамларга меҳр ва мурувват улашиш билан бошланган йилимиз албатта файзли ва баракали ўтишига ишончимиз комил. Биргина ниятимиз Янги йилда ушалмаган орзуларимиз рўёбга чиқсин. У сардафтаримизга тинчлик, барқарорлик ва меҳр-оқибатли йил бўлиб ёзилиб қолсин.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

## ҚИСҚА сатрларда

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги 24-меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар учун 31 ДЕКАБРДА Янги йилга бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтади.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 106-мактаб-интернатида ЭРТАГА ўтказиладиган Янги йил тадбирида тарбияланувчилар ҳамда тарбиячилар иштирок этишади.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги маҳаллаларда ЭРТАДАН бошлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ташаббуси билан «Кўчма арча» байрам тадбирлари бошланади.

● **БАДИИЙ** академиянинг Марказий кўргазмалар залида уста кулол, Ўзбекистон халқ рассоми Муҳиддин Раҳимовнинг 100 йиллигига бағишлаб уюштирилган тадбирда рассом асарлари кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

● **КЕЧА** «JF international» шўъба корхонаси томонидан ташкил этилган лотерея ўйини ютуғи соҳибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ТАЪЛИМ ЛОЙИҲАСИ

**Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил бошида Испанияга давлат ташрифи чоғида эришилган аҳдлашувларни амалга ошириш мақсадида «Испания Қироллиги билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилган эди.**

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази мазкур қарор асосида «Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлашда касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳасини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тиббиёт коллежларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш белгиланган. Лойиҳада педагог кадрлар малакасини ошириш, ўқув услубий қўлланмалар яратиш ҳамда мультимедиа дастурлари ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилган.

Йигирма беш миллион евро миқдоридаги Испания имтиёзли кредити асосида амалга ошириладиган мазкур лойиҳа икки йилга мўлжалланган.

**Х.СОДИҚОВА,**
**ЎҚзА мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритган дастлабки даврдан бошлаб Япония билан дўстона ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ушбу муносабатлар асосида Буюк Ипак йўлининг кўҳна анъаналари - чуқур маданий ва савдо-иқтисодий алоқалар ётади.**

## ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Эътиборли томони шундаки, икки мамлакат ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик муносабатлари бугунги кунга келиб янада изчил тараққий этмоқда. Хусусан, сиёсий-дипломатик, молиявий-иқтисодий ва маданий-маърифий ҳамда гуманитар соҳалардаги ўзаро алоқаларнинг ривожланишига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Шу йил 21-23 декабрь кунлари Япония Ташқи ишлар вазирлиги таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳайъати Токиога ташриф буюрди. Ҳайъатимиз аъзоларининг дастлабки учрашувлари Япония Бош вазири Ж.Коидзуми билан бўлиб ўтди. Қабул маросимида япон томони республикамиз ҳукуматининг икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган сиёсатига юқори баҳо берди.

— Ҳозирги замон сиёсатчилари орасида Ислом Каримов алоҳида ҳурматга сазовор шахсдир. Чунки у 11 сентябрь воқеаларидан анча илгари бутун жаҳон жамоатчилигини халқаро терроризмга қарши кураш бошлаш лозимлиги тўғрисида огоҳлантирган эди, — дея қайд этди Япония Бош вазири.

Ж. Коидзуми, шунингдек, бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси, айниқса Ўзбекистоннинг жаҳон саҳнасида тутган геополитик аҳамиятининг тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Ташқи ишлар вазири Й.Кавагучи билан ўтказилган музокаралар чоғида республикада олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар Япония ҳукумати томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланиши қайд этилди. Бу борада япон ҳукуматининг қатор муҳим соҳалар, хусусан, иқтисодий, ижтимоий тараққиёт ва республика инфратузилмасини такомиллаштириш соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканлиги билдирилди.

Ташқи ишлар вазирлари С.Сафоев ва Й.Кавагучи томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида ҳаво қатнови тўғрисида битим мамлакатларимиз ўртасида амалга оширилаётган ҳаво транспорти алоқаларига ҳуқуқий замин яратди. Мазкур ҳужжат ''Ўзбекистон ҳаво йўллари'' миллий авиакомпаниясининг Япониядаги етакчи '' ANA'' ва ''JAL'' каби авиакомпаниялар билан алоқаларини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ушбу биринчи ҳукуматлараро битим савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга ундашдан ташқари, Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларига япон сайёҳлари оқимининг кўпайишига хизмат қилади.

Япония Ташқи ишлар вазирлигида ўтказилган музокаралар чоғида, шунингдек, икки мамлакат авиакорхоналарининг ваколатхоналарини очиш тўғрисида алмашув ноталари ҳам имзоланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Япония ҳукумати ўртасида Япония ҳукумати томонидан кадрларни тайёрлаш лойиҳаси бўйича беғараз ёрдам (134 млн. япон йени микдорида) ажратилиши тўғрисида алмашув ноталари имзоланди.

Ташриф чоғида Япониянинг Япония ижтимоий бошқарув, ички ишлар ва телекоммуникациялар вазирлиги, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония-Ўзбекистон қўмитаси, Халқаро ҳамкорлик бўйича Япония банкида учрашувлар бўлиб ўтди.

Ҳайъатимиз аъзолари Ўзбекистон ва Япония ўртасида телекоммуникациялар, хусусан, республика ахборот инфратузилмасига замонавий япон технологияларини жорий этиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида бўлган учрашувларда '''Sony'', ''NEC'', ''Mitsui'' каби Япониянинг жаҳонга машҳур компаниялари ҳамкорлигида амалга оширилиши мўлжалланаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон ҳайъатининг Япония Вазирлар Маҳкамасининг махсус маслаҳатчиси К.Накаяма билан ҳам учрашуви бўлди. Хоним икки давлат ўртасидаги самимий муносабатларга юксак баҳо бериш баробарида шундай деди:

— Мен Ўзбекистонда Япония элчиси сифатида меҳнат қилган давримни, тўғриси, жуда соғинаман. Ҳаётимнинг серқуёш Ватанингизда ўтган уч йили мен учун тақдир совғаси бўлган ва у умримнинг охиригача хотирамда қолади.

Бу сўзлар эса Ўзбекистон-Япония муносабатлари бундан буён ҳам кенг ривожланаверишидан дарак беради.

**Б. АЛИМОВ,**
**АА ''Жаҳон'',**
**Токио**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Кеча Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси томонидан «Маҳалла ва спорт: оилавий спорт ютуқлари ва муаммолари» мавзуида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.**

**● Республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент маркази ташаббуси билан «Ҳакамлик судларини ривожлантириш имкониятлари иқтисодий низоларни ҳал этишнинг муқобил механизми сифатида» мавзусидаги семинар бўлиб ўтди.**

**● Қашқадарё вилоят ҳокимлигида ўтган йиғилишда якунланаётган йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган ишларга якун ясалиб, галдаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.**

**● «BIOEKOSAN» республика ўқув-услубий марказида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази ва «BIOEKOSAN» марказининг қўшма лойиҳаси маҳсули сифатида экологик кутубхона очилди.**

**● Республика Болалар бадиий ижодиёти марказида ногирон болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун Янги йил байрамига бағишланган хайрия тадбири ўтказилди.**

**● Хонободда 300 нафар талаба таҳсил олувчи педагогика ижтимоий-иқтисодий коллежи Янги йил арафасида ёшларга ўз эшикларини очди.**

### Жаҳонда

**● Кеча Россияга ташриф буюрган Грузия Президенти вазифасини бажарувчи Нино Бурджанадзе Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учращди. Учрашув чоғида икки томонлама дўстона муносабатларни изга солиш масалалари муҳокама қилинди.**

**● Туркия ва Исроил терроризмга қарши йўналтирилган ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириш юзасидан битим имзолади.**

**● Кеча Покистоннинг Равалпинди шаҳрида мамлакат Президенти Парвез Мушаррафга яна бир суиқасд уюштирилди. Бу гал жиноятчилар фақат унинг машинасини шикастлантиришга муваффақ бўлишди.**

**● Хитойнинг жануби-ғарбидаги Чхуаньдонбэй газ конида метаннинг тўсатдан сизиб чиқиши натижасида рўй берган портлаш оқибатида камида 190 киши ҳаётдан кўз юмди.**

**● Испания полицияси Сан-Себастьян-Мадрид йўналишида ҳаракатланаётган поездда 25 килограммлик бомбани зарарсизлантириб, уни ўрнатган 2 кишини қўлга олди.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Менинг турмуш ўртоғим ҳозирги вақтда ишламайди. Яқинда бир дугонамдан меҳнат биржаларида ишсизлик нафақалари тўланиши ҳақида эшитиб қолдим. Илтимос, ишсизлик нафақасини тўлаш шартлари ҳақида маълумот берсангиз.**

**Х.Камолова, магистр.**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 65-моддасига биноан, ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланади. Ишсиз шахснинг нафақа олиш ҳуқуқи у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб кечи билан 11 кундан эътиборан кучга киради.

Ишсизлик нафақаси кўпи билан:

— ишдан ва иш ҳақидан маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсга 12 ойлик давр мобайнида 26 календарь ҳафта;

— илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсга эса 13 календарь ҳафта мобайнида тўланади.

* * *

**Бундан бир ярим йил аввал оиламизда учинчи фарзандимиз ногирон туғилди. Шу сабабли турмушимиз келишмасдан ажрашиб кетдик. Ўша пайтда биз алоҳида ер олиб участка қураётган эдик, лекин мен ҳеч нарсага даъво қилмасдан уйдан чиқиб кетган эдим. Бизнинг пропискамиз участкада, ҳозир ўша уй битган. Мен уч фарзандим билан ўз улушимни талаб қилиб олишим мумкинми?**

**Л.Султонмуродова, уй бекаси.**

Ҳа, мумкин. Сиз рўйхатда бўлсангиз ва участка сизнинг турмуш ўртоғингиз билан биргаликда кечган ҳаётингиз, яъни биргаликда никоҳда бўлган даврингизда олинган бўлса албатта сиз ўзингиз ва фарзандларингиз учун улуш талаб қилишга ҳақлисиз. Бунинг учун ўзингиз истиқомат қиладиган турар жойдаги туман судига ариза билан мурожаат қилишингиз лозим.

* * *

**Қарз олувчи ва қарз берувчи ўртасидаги қарз суммасига фоиз қандай белгиланиши керак? Шу тўғрида билмоқчи эдик.**

**Н.Латипов, М.Хушвақтов, талабалар.**

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида қарз суммасидан келиб чиқиб фоиз тўлаш тўғрисида шарт белгиланиши мумкин. Унда фоиз олиш тартиби ва миқдори шартнома билан белгиланади. Агар фоиз тўлаш тартиби ва муддати шартномада белгиланмаган бўлса, унда асосий қарзни қайтариш учун шартномада назарда тутилган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

# ҚОҲИРА УНИВЕРСИТЕТИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

***Ўзбекистон Республикасининг Мисрдаги элчихонаси ва Қоҳира университетининг Иқтисод ва сиёсий илмлар факультети қошидаги Осиё мамлакатлари тадқиқоти маркази ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси муносабатлари. Ўзбекистонда диний сиёсат» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.***

Семинарда Қоҳира университетининг профессор-ўқитувчилари, Осиё тадқиқотлари маркази ходимлари, илмий тадқиқотчилар ва талабалар иштирок этишди.

Семинарда профессор Худа Миткис, Иқтисод ва сиёсий илмлар факультети декани, профессор Камол Мануфий сўзга чиқиб, Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги муносабатлар йилдан-йилга ривожланиб бораётганини, икки томонлама дўстона алоқалар ўрта асрлардан буён мавжудлигини таъкидлашди. Айни пайтда Қоҳирада Миср-Ўзбекистон дўстлик жамияти, Искандария шаҳрида эса унинг бўлими фаолият олиб бораётганини сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий соҳалардаги ҳамкорлик меваси сифатида баҳолади.

Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси ходимлари томонидан тайёрланган «Ўзбекистонда диний сиёсат» мавзуидаги маълумотнома семинар иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ушбу маълумотномада Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари асосида фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолати, дин ва динга муносабат, диний эътиқод ва исломий обидалар, юртимизда барча дин вакиллари учун яратилган шарт-шароитлар каби мавзуларга эътибор қаратилди. Семинар иштирокчилари Ўзбекистон фуқароларига ҳаж ва умра ибодатларини амалга ошириш учун яратилган қулайликлар, тарихий ислом обидалари давлат томонидан таъмирланиб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига ўтказилгани, ислом илмининг буюк намояндалари Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, ал-Мотурудий ва Абдулхолиқ Ғиждувоний каби уламолар хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий анжуманлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлдилар.

Анжуман қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари, Ўзбекистон ҳақида чоп этилган китоб ва журналлар ҳамда «Ўзбекистон ислом обидалари» кўчма фотокўргазмаси намойиш этилди.

**«Жаҳон» АА, Қоҳира**





***Айни кунларда ҳамма жойда болажонларимиз учун Янги йил арчаси атрофида байрам томошалари қизғин ва шодиёна ўтмоқда. Байрам меҳмони бўлган Қорбобо ва Қорқиздан ажойиб совғалар олаётган кичкинтойларнинг қувончлари чексиз. Шунингдек улар арча атрофида дилдан куйлаб, яйрашмоқда.***

## ЯНГИ ЙИЛ КЎЧМА АРЧАСИ

**Янги йил байрами кунларида пойтахт маҳаллалари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва ногирон болалар учун кўчма арча байрамлари ўтказилиши режалаштирилмоқда. Шу муносабат билан "Бунёдкор" ёшлар клубида матбуот анжумани ўтказилади.**

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши яқинлашиб келаётган 2004 йил "Меҳр ва мурувват йили" муносабати билан бир қатор хайрия тадбирларини ўтказмоқда. 25-28 декабрь кунлари Тошкент шаҳридаги ногирон болалар учун ўтказиладиган "Янги йил қутлови 2004" тадбири ҳамда 2004 йилнинг 3 январидан 10 январигача Тошкент шаҳри маҳаллаларида бўлиб ўтадиган кўчма Янги йил арчаси тадбирлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари шаҳар ҳайвонот боғида байрам томошаларини ташкиллаштириш ва кам таъминланган оилалар фарзандларига бепул чипталар бериш, Зангиота, Ҳамза туманларидаги болалар ахлоқ тузатиш муассасаларида Янги йил томошаларини ўтказиш режалаштирилган.

**"Туркистон-пресс"**

**Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида «Маҳалла тарихи ва унинг замонавий қиёфаси» мавзуидаги иншолар танлови ташкил этилди.**

*Танловлар.*

## АСОСИЙ МАВЗУ «МАҲАЛЛА»

Танловни уюштиришдан мақсад ўқувчи ёшлар онгида миллий қадриятларга меҳр туйғуларини шакллантириш, эл-юрт шаъни учун курашиш каби фазилатларни ёмза баён этиш қобилиятларини синаб кўришдан иборат эди. Бундан ташқари, ушбу тадбирда ўқувчилар мустақил мутолаа қилиш жараёнида маҳаллалардаги авлод-аждодларимиз миллий аньаналарини, ўзлари яшаб турган масканлари тарихи ва замонавий қиёфаси ҳақидаги тасаввурларини тўла намоён этдилар.

Маҳалла фаолияти мисолида ўқувчилар онгига эзгулик, ўзаро ҳамкорлик ва иноқлик, урф-одатларимиз, қадриятларимизга содиқлик, тўй-маърака, ҳашар каби эзгу тушунчалар моҳияти ҳамда маҳалла — давлат таянчи, кичик қўрғон эканлиги хусусида фикрларини баён этдилар. Ёзилган иншолар ичида биринчи ўринга Сергели туманидаги 317 мактабнинг 9-синф ўқувчиси Гулноза Саидазимова, иккинчи ўринга Юнусобод туманидаги 265-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Диёна Йўлдошева, учинчи ўринга Ҳамза туманидаги 206-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Гулвера Маманова, Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Гулсарвар Рауповалар лойиқ деб топилди.

**Гулнора ЭРГАШЕВА, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси методисти.**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Бошига бирор оғирлик тушган, турмушдан қийналган вақтда бошқаларнинг ёрдам беришини истаган кишига айтинг, соғ-саломат бўлиб, роҳат ва фароғатда умр кечириб турган вақтида ҳеч кимдан ёрдамини аямасин, яхшилик қилишга ғайрат қилсин.

● Ҳар ким бирор нарсани маккорлик, ҳийла ва хушомадгўйлик билан қўлга киргизишни истаса, мақсади ҳосил бўлмайди, мабодо ҳосил бўлса, тезда сири очилиб шарманда бўлади.

● Илм билан амал — лафз ва маъно жиҳатидан бир-бирига мулозим ва мувофиқдир, чунки илмдан мақсад — амалдир.

БАЙТ:

**Илм, Навоий, сенга**
**мақсуд бил,**
**Эмдики илм ўлди**
**амал айлагил.**

● Ҳиндистонлик бир донишманд ўз ўғлига насиҳат қилиб айтади:

— Азиз ўғлим, қўлингга кирмаган, ёки қўлингдан кетган нарса учун қайғурма. Ҳар ерда куракда турмайдиган беҳуда сўзлар сўзлаб юришдан йироқ бўл. Нокас, курумсоқ кишидан қарздор бўлма, у билан асло муомала қилма, кейин пушаймон қиласан. Шарм, ҳаёсиз ва баҳил киши билан суҳбатдош бўлма, шундай ярамас одамларга қўшни бўлмасликка ҳаракат қил. Ўз кучинг орқасида нон топиб егил, текинхўрликка ўрганма, олижаноб, мард одамлар билан суҳбатдош бўлсанг, яхшилик билан ном чиқарасан. Мақтанчоқ ва эзма одамлардан ҳазар қил.

БАЙТ:

**Ким тилин ғийбат**
**қилишдан сақлади,**
**Ул ўзин офат, балодан**
**асради.**

● Ҳусайн воиз Кошифий айтади:

— Бир олим, фозил одам турмушдан анча қийналиб қолди. Бир баҳил бойнинг ҳузурига бориб:

— Сиз муҳтож кишиларга ёрдам қилиш учун молу дунёингиздан бир қисмини ажратганингизни эшитдим. Мен ёрдамга муҳтож одамман, шунинг учун ёрдам сўраб ҳузурингизга келдим, — деган эди, баҳил бой ёрдам бермасликка баҳона қидириб:

— Мен фақат кўр одамларга ёрдам қилмоқчиман, — деди. Олим ундан юз ўгириб қайтиб кетаётиб, айтди:

— Сиз янглишасиз, мен ҳақиқий кўр одамман. Агар ҳақиқий кўр бўлмасам эди, сиздек баҳил кишидан ёрдам сўраб келмасдим.

Баҳил бой айтган гапига пушаймон қилиб, бир хизматчиси орқали олимга пул юборди, олим қабул қилмади.

БАЙТ:

**Кишиким йўқ эрур**
**меҳру вафоси,**
**Агар хуршид эрур**
**андин не ҳосил?**

*Алоқалар*

# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Тошкент Давлат педагогика университети номига Германиядан миннатдорчилик мактуби олинди. Герман-ўзбек илмий жамияти Президенти томонидан йўлланган бу хатда университетда ўтказилган «Маданиятлараро мулоқотнинг долзарб масалалари» деган мавзудаги халқаро илмий-амалий анжуман тафсилотлари атрофлича баён қилинди.**

— Ушбу анжуманда чет мамлакатлардан келган талайгина олимлар иштирок этдилар, — дейди илмий жамият президентининг ўринбосари Герман филологияси кафедрасининг доценти Ҳуррам Раҳимов. — «Миллатлараро мулоқот ва тарих», «Миллатлараро мулоқот ва санъат», «Миллатлараро таржима» каби маърузалар ўзбек, немис ва инглиз тилларида тингловчиларга етказилди.

Шу нуфузли илмий тадбир доирасида Германиядаги Альберт Людвиг номидаги Фрайбург университети билан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ўртасида ҳамкорлик шартномаси тузилди. Турли илмий-амалий ва ўқув-услубий жабҳаларни ўз ичига қамраб олган бу ҳужжатда кейинги беш йил давомида олий ўқув юртлариаро кадрлар алмашинуви, ҳамкорликда ўқув дастурлари ва дарсликлар яратишни йўлга қўйиш ҳам режалаштирилди.

Германиянинг Байройт шаҳридаги Маданиятлараро мулоқот академияси тажрибаси асосида илмий симпозиум ва семинарларни ташкил этишга ҳам келишиб олинди.

**Аҳмад АББОСОВ**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## БИРОВ КЎРМАСИН

Набираларга бир қўй олиб берсам, эрмак бўлар деган мақсадда мол бозорига бордим. Анча-мунча вақт бозор айланиб мўлжалдаги қўйни учратолмадим. Бирининг нархи баланд, ўртача баҳоланаётганларининг эса тоши енгил.

Кейинги дам олиш куни яна бозорга чиқишни режалаб орқага қайтдик. Дарвозадан чиқаётиб Хоживойнинг ўғли Ҳакимбойга кўзим тушди. У қулай жойда туриб олиб, ҳеч кимга эътибор бермай ичкарига кириб чиқаётганларни бирма-бир кўздан кечирарди. Дастлаб ё тавба, бу бола бинойидек ишини ташлаб милиция хизматига ишга ўтибди-да, деган хаёлга ҳам бордим. Кўз кўзга тушгач ноилож, ҳорма, бор бўл қилдик. У бизга яқинлашиб омонлашди. Ҳол-аҳвол сўраган бўлди.

— Ишни ўзгартириб юбордингми, дейман-а, — унга сўз қотдим.

— Йўғ-е бобо, нима деяпсиз. Ёшимиз элликни қоралаб қолганда касбни ўзгартириб бўлар эканми. Ахир ўттиз йиллик қурувчиман-а.

— Бўлмаса, нима қилиб бу ерда посбондек жонсарак бўлиб турибсан?

— Сўраманг бобо, қизиқ бўлди.

— Тинчликми, ишқилиб?

— Тинчликка тинчликку-я, ўтган бозор бир янглишмовчилик рўй берди. Ҳатто уни бировга айтишга ҳам уяламан. Ҳарқалай сиз ўзимизникисиз. Сизга дардимни ошкор этмасам бўлмас.

— Агар малол келмаса, айта қол.

— Оиламизда бироз танқислик бўлиб ўтган дам олиш куни боқиб юрган қўйимизни бозорга олиб чиққандик. Уни саксон мингга бор барака қилдик. Пулни бирма-бир санаб чўнтакка урдим. Бозордан чиқиб бораётсам таҳи бузилмаган, белбоғи узилмаган икки даста пул оёғим остида ётибди. Дарҳол энгашиб олдим. Қарасам икки почка минггалик. Шу дамда бир йигит югуриб ёнимга келди. Пулни уники фаҳмлаб қўлига узатсам у пулни олмай қулоғимга:

— Худо берди, биров кўрмасин, дарров чўнтагингизга тиқинг, — деб шипшиди.

Мен аҳмоқ ҳам хаёл билан бўлиб сўрамай-нетмай топилмани чўнтакка урибман. Машина бекатигача индамай бордим. Бу орада бирон-бир киши «пулимни йўқотдим» деган гапни айтмади. Хаёлланиб турсам бояги йигит менга:

— Қани, бизга аталган суюнчини чўзинг, ака, — деб қолди.

Унга бир почка мингталикни узатдим. Йигит олмади.

— Йўқ, — деди у. — Бу топилма ҳаппа-ҳалол ўзингизники, менга иримига майда пуллардан берсангиз ҳам бўлади.

Ёнимдан сотилган қўйимнинг пулини чиқардим-да ҳаммасини йигитнинг қўлига тутқаздим. У пулни олиб чўнтакка урди.

— Берган чой-чақангизга рози бўлинг ака, — деди жилмайиб.

— Мингдан-мингга розиман, — дедим.

Уйга келишим билан аёлим қўйнинг нархини сўраб-суриштирди. Ёнимдан топилмани чиқардим. У пулнинг кўплигини кўриб ҳайрон бўлди.

— Вой, бу нима?

— Қўйнинг пули, — дейман оғзим қулоғимда.

— Нега бунақа кўп?

Унга бор гапни айтдим.

— Яхши қилмапсиз, отаси. Бу пул қайси бир бечораники экан. Ҳойнаҳой у ҳам муҳтожликдан молини сотган бўлса керак. Шу дамда унинг ҳоли не кечаётган экан, — деди куйиниб.

Талашиб-тортишиб хуллас бир почка пулнинг белбоғини йиртиб санашга тушдик. Қарасак пуллар қалбаки. Фақат тахламнинг боши билан охирида бели синмаган минг сўмлик. Қолгани қалинроқ хитой қоғози.

— Ҳаром луқманинг каттасини ошайман деб, ўзингизнинг ҳалол пулингиздан ажралибсиз, дадаси, — деди аёлим менга писанда қилиб. — Ўша йигит ўлгурнинг ўзи сизни лақиллатган. Қалбаки тахламларни олдингизга ташлаб, суюнчисига ёнингиздаги пулларни қоплаб кетган. Хуллас, ниятига етибди у фирибгар.

— Ҳаётимда фирибгарларни кўпини учратганман. Аммо бунақасига дуч келмаган эдим. Балки уни учратиб қоларман деган ниятда шу ерда турибман, — деб ҳикоясини тугатди Ҳакимжон.

Шу топда негадир хаёлимга халқимизнинг «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма» деган доно мақоли келди.

## ОҒИЛХОНАМИЗ БЎШАБ ҚОЛГАН

Йўл-йўлакай бораётиб марҳум дўстим Аҳмаджонни эслаб қолдим. Раҳматли биродарим қўйга ўч эди. Оғилхонасидан қўй аримасди. Ҳар йили 3-4 та қўйни емлаб, семиртириб сотгувчи эди. Таниш-билишлар қўй керак бўлиб қолса унга мурожаат қилишар, Аҳмаджон шундайларга қўйнинг баҳосини инсоф билан анча тушириб сотарди. Шуларни эслаб, қўй қидириб бозорга борганимдан кўра, унинг болаларига учрасам бўлмасмиди, ахир фарзандлар мендек ота қадрдонига борини йўқ демасди, деган хаёлда унинг эшигини қоқдим.

Катта ўғил Ҳолматжон уйда экан.

— Э, отахон бормисиз, анчадан бери йўқламай қўйдингиз, — гина аралаш сўз қотди у.

— Ҳа, энди ёшинг ўтса ҳам ўзингдан ортмай қоларкансан киши, — дейман ўзимни оқлаб.

Бир пиёла чой устида ширин суҳбат, ота хотирасидан сўнг мақсадга ўтдим.

— Набираларга бир қўй харид қилмоқчи эдим. Оғилхонада дўстим Аҳмаджондан қолган қўйлар бордир. Улар орасида бизбопи ҳам топилиб қолар, деб олдингга келдим.

— Оҳ, отахон, оғилхонамиз ҳозир бўшаб қолган. Отамиздан кейин келинингиз буларни йўқотинг, ҳамма ёқни пашша бостириб юборди, — деб туриб олди.

— Ахир хотин, ёшимни танибманки, отамиз қўй боқадилар, гўштдан узилиш бўлганда дарров биттасини сўйиб берадилар. Қора қозонимиздан қўй гўшти аримайди, — десам у:

— Ана бозор тўла гўшт. Қўй гўшти еймиз деб қачонгача унинг сассиғига чидаб ўтирамиз, отангиз борларида уларнинг юзини қилиб индолмасдим. Оғилхонанинг олдидан бурнимни беркитиб ўтардим, — деб бошимни қотирди. Бор-ей дедиму ҳаммасини бир кунда бозорга олиб бориб арзон-гаровга бўлса ҳам сотиб юбордим.

— Э, аттанг, — дейман ўзимга ўзим. Фарзандлар бор ота касбини улуғлайди, ишини давом эттиради. Улардан қолган ҳар бир буюмни ёдгорлик сифатида авайлаб асрайди. Отанинг руҳини шод этиш учун у ҳавасу ихлос қўйган молу мулкини йўқотмай, балки уни кўпайтириш пайида бўлади. Афсуски, бу хонадонда эса бунинг аксини кўрдим.

## САХОВАТ

Сиддиқ ота бу йил ҳаж сафарига отланганмиш деган хабарни эшитиб, отани ҳам зиёрат қилиш, ҳам суҳбатини олиш учун унинг ҳузурига бордим.

Ота 90 ёшни қоралаб қолган бўлса-да, ҳали тетик, бардамбақувват эди. Шу вақтгача унинг ҳассага таяниб юрганини ҳеч ким кўрмаган. Кутлуғ кунларга йўқлаб кирган кишилар, қўни-қўшнилар узоқ-яқин қариндош-уруғларни отахон диллаб кутиб олар, улар билан самимий суҳбатлашарди. Отанинг одамохун, камбағалпарвар, меҳрибончилигидан кўплар баҳраманд бўлган. Агар керак бўлса у муҳтожларга ҳатто олдидаги луқмасини ҳам беришга қодир эканлигини уни таниганлар яхши билишарди.

Сиддиқ ота олти ўғилни тарбиялаб вояга етказган, Фарзандларининг ҳаммаси ўқимишли, турли лавозимларда ишлашади, неча йиллар бўлибдики, ўғиллар отани ҳаж сафарига бориб келишга ундашади. Ота эса: «Болаларим, ёнимизда чор-ночор оилалар бўла туриб, мен қанча пулни сарфлаб ҳажга борсам уларнинг ғаши келмайдими, уларнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўла туриб мен ҳожи ота бўлиб гердайиб юришим худога хуш келадими», деб уларнинг айтганларига унамасди. Хайриятки бу гал рози бўлибди.

Отахон билан қучоқлашиб кўришдик. Гапни ҳаж сафаридек қутлуғ ниятни муборакбод қилишдан бошладим.

— Э, йўқ, — деди отахон жилмайиб, — сафарни келгуси йилга қолдирдик.

— Сабаб?

— Бир кам дунё-да бу, — гап бошлади Сиддиқ ота. — Тунов куни тўсатдан ён қўшнимиз Ҳалимжоннинг 30 ёшга кирган норғул ўғли юрак хуружидан вафот этиб қолди. Ҳалимжон жўжабирдек жон, қўлида ортиқча сармояси йўқ. Ноҳуш хабарни эшитиб олдига чиқсам, ночорлигини айтиб қолди. Ҳолига ачиндим-да, уйга кириб ҳажга атаб қўйган сармоямнинг бир қисмини олиб чиқиб унга бердим. Ахир Ҳадиси шарифларда ҳам зарур вақтларда муҳтожларга ёрдам бермоқ катта савоб, бу нарса ҳаж зиёратидан ҳам улуғроқ эканлиги бежиз айтилмаган-ку, — деди сўзининг охирида Сиддиқ ота.

Отанинг ҳимматига яна бир бор қойил қолдим. Қани энди ҳожиликни даъво қилаётган баъзи бир биродарларимиз Сиддиқ отадек ҳожилик амалларини олдин ўз юртларида тўла-тўкис бажариб, кейин ҳаж сафарига отлансалар нур устига нур бўларди.

*Биласизми?*

## ЧЎНТАК ТЕЛЕВИЗОРИ

«Касио» фирмаси (Япония) энг митти ва энг енгил «Си-Ви-1» деб номланган телевизор яратди. У рангли тасвирда кўрсатади. Ҳозирда бу чўнтак телевизорлар сотувга чиқарилган. «Си-Ви-1» экранининг диагонали 3,57 сантиметрни ташкил этади. Телевизорнинг баландлиги 9,1, эни 6, қалинлиги эса 2,4 сантиметр бўлиб, оғирлиги атиги 170 грамм холос.

Сигарет қутисидек келадиган бу телевизорни чўнтакка солиб юриш ва хоҳлаган жойда, хоҳлаган дастур кўрсатувларини бемалол томоша қилиш мумкин. У батареяда ҳам, машина аккумуляторида ҳам, ҳатто 220 вольтли токда ҳам ишлайверади.

## БИЛАР-БИЛМАС ДАВОЛАШ ОҚИБАТИ

Испаниянинг Сарагосса шаҳрида яшовчи Карлила Алансо тўққиз ёшли қизи Лауренсиянинг ранги пастлиги ҳамда бўйининг яхши ўсмаётганидан нолиб юрарди. Қўшнисининг маслаҳати билан қизига ҳар куни уч маҳалдан — эрталаб, тушки овқатдан олдин ва кечқурун микройод дорисини ичира бошлади. Орадан 4 ой ўтгач, Лауренсиянинг бўйи ўса бошлади, 8 ойдан кейин «бечоранинг» баландлиги 195 сантиметрга етса бўладими! Шундан сўнг она дорини бермай қўйди ва бўйини тўхтатиш учун шифокорларга мурожаат этди. Мутахассисларнинг фикрича, Лауренсиянинг бўйининг ўсиши 18 ёшга тўлгандагина тўхташи мумкин. Бунгача қизнинг бўйи қанчага етишини тасаввур қилиб кўринг-а!

## ЭРКАКЛАР, ҚАҲВА ИЧМАНГ!

Берлин соғлиқни сақлаш вазирлигининг тасдиқлашича, қаҳвани кўп истеъмол қилган киши инфаркт касалига дучор бўларкан. Ҳатто бир пиёла қаҳва 18-20 ёшли йигитлар қонидаги холестерин моддасини ошириб юборади. Кейинги вақтда немис халқи қаҳвани ниҳоят даражада кўп истеъмол қилмоқда, ҳатто пиводан олдин ҳам бир оз қаҳва ичиб олишади. Статистик маълумотларга кўра, улар бир йилда 198 литр қаҳва ичишса, 140 литр пиво истеъмол қилишаркан. Шунинг учун бўлса керак бу ерда юрак-томир касаллиги борган сари кўпайиб бормоқда.

## ДУНЁДАГИ ЭНГ УЗУН НОМЛАРДАН БИРИ

Дунёда шундай номлар борки, уларни ўқиш ва айтишга киши қийналади. Ўзининг ажойиб асарлари билан санъат ихлосмандларини қойил қолдирган машҳур рассом Пабло Пикассонинг номини кўпчилик эслаб қололмаган бўлса керак. Бу мўйқалам устасининг асл номи дунёда энг узун исм бўлса ажаб эмас. Унинг номи қуйидагича: Пабло Диего Хосе Франциско де Паула Хуан Непомукино Кристин Криспиано де ла Сантеинма Трипидад Рунс и Пикассо.

*Кўргазмалар*

# САРА АСАРЛАР ЎРИН ОЛДИ

**Замонавий санъат марказида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан Калифорния штатининг Беркли шаҳридаги КАЛА санъат институти ҳамкорлигида ташкиллаштирилган бадиий кўргазма очилди.**

Кўргазмада КАЛА санъат институти рассомларининг асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазмадаги асарлар америкалик ва бошқа мамлакатлар рассомлари ижодидан жамланган бўлиб, асосан замонавий технологияда ишланган босма графиклар ва компьютерда бажарилган суратлар, литография ва фотогравюралардан ташкил топган. Кўргазма очилишидан олдин бўлиб ўтган матбуот анжуманида КАЛА санъат институти ижрочи раҳбари Арчана Хорстинг хоним йиғилганларга институт фаолияти ҳақида ҳам қисқача сўзлаб берди. Жумладан, Арчана Хорстинг хоним шу йил КАЛА санъат институти ташкил этилганлигига 30 йил тўлиши ва бу ерда фаолият олиб бораётган рассомлар турли миллатларга мансуб бўлиб уларнинг ижоди КАЛА кўргазмасида жамланганлигини таъкидлаб ўтди. Яна Арчана Хорстинг хоним кўргазмани ташкиллаштиришдан мақсад, ўзбекистонлик санъатсеварларни замонавий Америка рассомлари ижоди билан таништириш, АҚШ маданияти тараққиёти ва замонавий санъат имкониятларини намойиш этиш эканлигини қайд этди. Ўзбекистонда КАЛА санъат институти мусаввирлари ижодидан жамланган асарларнинг илк кўргазмаси 10 январь кунига қадар намойиш этилиши мўлжалланмоқда. Ўйлаймизки, Янги йил байрамлари кунларида ҳамшаҳарларимиз учун ушбу кўргазма маданий-маърифий ҳордиқ ва гўзал руҳий кўтаринкилик бахш этади.

**Соҳиба УМАРОВА**



**СУРАТДА:** кўргазманинг очилишидан лавҳа.

*Хайрли ташаббус*

# ТАДБИР МАЗМУНЛИ ЎТДИ

**Келажак ворисларига миллий қадриятларни, маънавий, руҳий бойликларни, миллат, Ватан, аждодлар олдидаги бурч туйғуларини сингдириш, ўзлигини англашда туртки бўлиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Сергели туман бўлими ташаббуси билан хайрли тадбир ўтказилди.**

Тадбир Зангиотадаги ёшларни тарбиялаш колонияси тарбияланувчилари учун «Янги йил қутлови» мавзуида бўлиб ўтди. Унинг очилишида сўзга чиққан «Посбон» марказининг туман бўлими раиси Ж.Йўлдошев, «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» туман бўлими раҳбари А.Аҳмадалиев ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти туман бўлими раҳбари Г.Усмоновалар колониядаги ўсмирларни маънавий ва ижтимоий томондан қўллаб-қувватлаш, келажакда баркамол инсон бўлиб шаклланишларига умид боғлаганликларини таъкидлашди.

— Тадбирнинг Янги йил арафасида ўтказилиши бежиз эмас, — дейди «Камалак» болалар ташкилотининг туман бўлими раиси Гулчеҳра Усмонова. — «Янги йилга янги мақсадлар, орзу-ниятлар билан» деган шиор мавжуд. Зангиота ёшларни тарбиялаш колониясидаги ўсмирларни эзгу ишларга, саховатпешаликка чорлашни ўзимизга бош мақсад қилдик. Ўйлайманки, «Янги йил қутлови» тадбиридан сўнг уларнинг қалбида дўстона туйғулар сақланиб қолади.

Шунингдек, тадбирда туман маданият бўлими бадиий ҳаваскорлари, «Қарсак» доирачилар ва «Баҳор ғунчалари» рақс дасталари қатнашди. Янги йилнинг ажралмас меҳмонлари Қорбобо ва Қорқизнинг ҳангомалари, қизиқарли ўйинлари тадбирнинг юқори кайфиятда ўтишида кўмак бўлди.

**Юлдуз УСМОН**

## ШАРТНОМА НАТИЖАЛАРИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

**Янги йил бошланиши олдидан ҳар сафар «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида ҳамкорлик шартномасини тузиш яхши анъанага айланган. 2003 йилда ҳам бунга тўла амал қилинди.**

Касаба уюшма қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида эса бу борада амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Ишлаб чиқаришда янги техникаларни жорий этиш, ижтимоий-маиший масалалар бўйича белгиланган режалар ўз вақтида адо этилди. Цех касаба уюшмалари ҳисоботи ҳам қониқарли деб топилди. «Обод маҳалла» дастури юзасидан кўрилган тадбирлар ижроси ҳам кўнгилдагидек бўлди.

Корхонани қишки мавсумга тайёрлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

**Акбар АЛИЕВ**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

# ДИҚҚАТ АУКЦИОН!

## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЖАНОБЛАР!

***Давлат Мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси Сизни кириб келаётган 2004 йил билан қутлайди!***

Сизга газетанинг 2 декабрдаги 233-сонида кўрсатилган 2004 йил 2 январь кунига белгиланган аукцион савдолари 2004 йилнинг 6 январига кўчирилганлигини, 2004 йил 2 январдаги аукцион савдоларида қатнашиш учун топширилган аризалар 2004 йил 6 январдаги савдоларга ҳақиқий деб ҳисобланишини маълум қилади.

Газетанинг 2003 йил 19 ноябрдаги 225–сони, 26 ноябрдаги 229-сони, 2 декабрдаги 233-сонларида кўрсатилган аукцион ва танлов савдоларига қўйилган объектлар 2004 йилнинг 6,13,20,27 январь кунлари ҳам савдоларга қўйилишини маълум қилади.

**Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моваруннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади.**

**Савдолар соат 11-00 да бошланади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моваруннаҳр кўчаси, 16«А»-уй, 204-хона.**

**Телефонлар: 133-02-49; 133-23-40.**

## «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

***2003 йилнинг 5 декабрь куни ўтказилган аукцион савдоларида:***

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 12-мавзе Аҳмад Дониш кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га бўлган, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи 2 800 000 сўмга;

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Т.Зоҳидов кўчасида жойлашган, сатҳи 0,02 га бўлган, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқини 4 200 000 сўмга;

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Х.Турсунқулов кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га бўлган, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқини 4 300 000 сўмга;

**2003 йилнинг 19 декабрь куни ўтказилган аукцион савдоларида:**

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, «Сувсоз» мавзесида жойлашган, сатҳи 0,02 га бўлган, озиқ-овқат дўкони қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқини 2 200 000 сўмга;

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Кадишев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,02 га бўлган, дорихона қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқини 2 200 000 сўмга;

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Сергели» даҳаси, 6-мавзе, Алавия кўчасида жойлашган, сатҳи 0,01 га бўлган, умумовқатланиш шохобчаси ва савдо дўкони қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи 1 600 000 сўмга;

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 12-мавзе, А.Дониш кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га бўлган, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган 2-сон ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқини 3 200 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Poytaxt INFORM FM 107.2

132-26-44 132-26-45

*Кўнгил учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-*

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.**

**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.**

**Факс: (3712) 133-29-09.**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

### ФИРИБГАР ПАНД ЕДИ

**Ҳунар — турмушнинг моддий ва маънавий асосларидан биридир. Ҳунарли киши ўз ризқини ҳар ерда топа олади, мушкул ишларнинг ҳам уддасидан чиқиб, ота-онасининг юзини ерга қаратмайди...**

Куннинг изғиринлигидан кўчага чиқиб бўлмайди. Ташқарига қарасангиз худди ҳамма уй-уйига «беркиниб» олгандай. Сергели — 5 мавзесидаги хонадонларнинг бирида яшовчи С.Умар эрталаб ҳар галгидан ҳам барвақтроқ турди. Сўнгги вақтларда иши юришмайроқ турган С.Умар пул кераклигидан «Пежо» русумли автоуловини сотишга қарор қилди ва тонг саҳарда машиналар бозори томон йўл олди. Ҳали бунақа ишлардан хабари йўқ С.Умар неча йиллардан бери қадрдон бўлиб қолган машинасининг олдида шумшайиб турарди. Шунда унинг ёнига башанг кийинган бир киши келди...

Сергели туманида яшовчи Т.Зоир ва С.Умар машинанинг нархини келишиб олишди. «Пежо» русумли автоулов 4000 АҚШ долларига сотилди. Харидор берилиши керак бўлган пулни киссасидан олмоқчи бўлиб қўлини у ерга тиқди, аммо ҳеч қандай пул йўқ эди. Т.Зоир пулини ўғирлаб кетишганини, агар С.Умар машинани берса, ғизиллаб бориб уйидан пул олиб келишини айтди. Сотувчи харидорнинг гапига чиппа-чин ишонди ва машинасини бериб юборди...

С.Умар кун бўйи роса кутди. На машинадан дарак бор, на Т.Зоирдан. С.Умарнинг милицияга қўнғироқ қилишдан бошқа иложиси қолмади. Тезкор тергов ходимлари эса тезда Т.Зоирнинг изига тушишди. Жиноятчи қилмишига яраша жазосини олди.

Бежиз бобокалонларимиз айтишмаган экан: «Қунт билан ўрган ҳунар, ҳунардан ризқинг унар», деб. Чунки Т.Зоир бундай жиноятни содир қилмай, пешона тери билан нон топганда эди, охири вой бўлмасди.

### ЁМОНГА ЁНДОШМА, ЯХШИДАН АДАШМА

**Аҳмад ёшлигидан жуда бебош бўлиб тарбияланди. «Тўғри дарахтдан эгри соя тушмайди», деганларидек, унинг ота-онаси ҳам фарзандига ўрнак бўла олмадилар. Отаси нуқул ичиб келар, онаси ўзи билан ўзи овора. Ўғил билан эса ҳеч кимнинг иши йўқ...**

Охири Аҳмад ота-онасидан олган тарбия натижасини намойиш қилди. Ўзига ўхшаган бир нечта тарбияси оғир болалар билан бирга ўғирликка қўл урди...

Тун. Кўча жуда салқин бўлганлиги туфайли кўпчилик уйда. Ташқарига чиқишга ҳеч хохиш йўқ. Шундан фойдаланган болалар С.Санжар кўчасида жойлашган хонадонларнинг бирига девор орқали ошиб тушишди. Уй эгалари ҳеч нарсадан хабарлари йўқ, телевизор кўриб ўтиришганди. Аҳмаднинг ёнида яна бир-иккита шериклари бор эди. Улар уйдан LG видеомагнитафони ва бир нечта буюмларни олиб чиқиб кетаётганларида хонадон эгаларидан бири нотаниш кимсаларни кўриб, қичқириб юборди. Бу аёлни бошида пайқамай қолган Аҳмад иши пачавалигини билиб жуфтакни ростлаб қолишни афзал деб билди. Аммо буни у жуда кеч билганди...

Бектемир тумани, Б.Азимова кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Б.Аҳмад, шу кўчада яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Ш.Шуҳрат милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

«Ёмон қилиқдан кўзга ёш келар, яхши қилиқдан оғизга ош унар» деган экан машойихлар. Энди жиноятчилар темир панжара ортида ўтириб, бу мақолнинг мағзини яхшилаб чақиб кўрсалар, балки...

**Феруза УМРЗОҚОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот марказининг жамоатчи мухбири.**

## ТАҚДИРГА ТАН БЕРДИ

*Ҳажвия*

Ажиб дунё, одамлари ҳам ажойиб. Айниқса исмларини айтмайсизми? Қаранг-а: — Тешавой, Болтавой, Бўривой, Қўзивой ва ҳоказо... Уларнинг аксарияти ўз исмларидан ийманишса, Арслон, Шербек, Лочин сингарилари кўкракларини кериб, мақтаниб ҳам юришади.

Чўпон ота қишлоғимизда жуда сергап, шинаванда бир акахонимиз бор. Бир гапга тушсалар борми, қўшниникига элакка чиққан хотин ҳам улар олдида ип эшолмай қолади. Овози худди қўзичоқникига ўхшайди. Қоматларини айтмайсизми? Бамисоли уч ой хашак ва пўчоқ еб ўсаётган қўзининг ўзгинаси.

... Ёшлигидан (асли исми Қўчқор) синфдошлари билан уришиб, кўп калтак еганида қўзичоқдек овоз чиқариб йиғларди. Шунда онаси: — йиғлама, ҳали ўсиб-улғайиб, ҳақиқий исмингга мос Қўчқор бўлганингда, уларнинг додини берасан, — деб юпатиб қўярди. Бу сўзларни эшитган зийрак қўшни болаларга лақаб ҳам топила қолди. Шу-шу уни «қўзи» деб чақира бошладилар.

Ҳаш-паш дегунча болалик, ўсмирлик йиллари ортда қолди. Уйланди, бола-чақали, неварали бўлди. Фермада ҳалол ишлаб, нафақага чиқибди ҳамки, ҳамқишлоқлари уни Қўзи деб чақиришади. У дўстларига — «Биродарлар, паспортимда аниқ ёзилган, исмим — Қўчқор», деса ҳам ўзгариш бўлмади. Улфатлари бир куни, «Майли, биз рози. Фақат битта шарт — йилда уч марта чойхонада ош қилиб берасан, албатта ичкилиги билан. Шундан кейин ўз исминг билан айтамиз», деб қолишди. У рози бўлди.

Йил давомида сўзининг устидан чиқиб, учинчи бор чойхонада ош дамлади. Охиргисида уйидаги қўзини сўйиб, барра гўштидан паловхон тўра пиширди. Чойхонадан ширакайф тарқалишаётганда Рустам қитмир:

— Навбатдаги ош қачон, Қўзи? — деб қолса бўладими. Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас, деб шунга айтсалар керак-да, боз устига эртаси куни хотинининг «гап»ига кирган ўртоқлари қайтишлари чоғида онаси Қўзи деб чақириб қолди. Қўчқор: — Ахир, нега кўпчилик олдида мулзам қиласиз, бинойидек ўзингиз қўйган исмни айтсангиз бўлмасмиди, деганда онаси:

— Бўталоғим, илоҳим юз ёшга кирганингда ҳам мен учун қўзим бўлиб қолаверасан, айланай. Баъзи бир ота-оналар фарзандларига не-не буюк инсонларнинг исмларини қўйишади. Ўзинг шоҳидисан, улар катта бўлиб, улғайганларидан сўнг ўз исмларига иснод келтирадилар. Номуносиб яшаб, ўғирлик, порахўрлик қиладилар. Сен ношукр бўлма, қўзичоғим, ҳалол яшаяпсан, ҳамқишлоқларинг орасида ҳурматинг баланд. Ёшинг ҳам олтмишдан ошди. Худо хоҳласа баҳаво қирадирларда невараларинг билан қўй-қўзиларингни боқиб юраверсанг, юздан ҳам ошасан.

Улар суҳбатини дарвоза қўнғироғи бузди. Қўчқор меҳмонга пешвоз чиқди. Маҳалла хабарчиси Тешавой салом-аликдан сўнг:

— Қўзи ака... кечирасиз, Қўчқорбек ака, эртага Тошсувчиникига наҳорги ошга чиқинг, албатта боринга, — дея хайрлашди.

Эртаси куни ошдан кейин қўйқўзиларини олиб, неваралари билан сой атрофида боқаётиб, кўз олдида ўтган йил баҳорда бўлган воқеа гавдаланди...

...Арслон раис, Бўри ҳисобчи, Лочин кассир, Теша хокандоз, Тошпўлат тажанг, Сотволди қассоб, Тоштемир зиқна, Тоживой эзмалар билан бирга худди шу сой атрофида «маёвка» уюштиришганди. Дастурхонда нозу неъматлар бисёр. Сотволди қассоб қўчқорнинг ҳисорисини сўйиб, тенг ярмини олиб келганди. Туш вақти базми-жамшид бошланди.

Ўтириш қизигандан қизиди. Қўчқор ичишни ташлаганди. Аммо ичасан, дилинг пок, ўзинг поксан, бировга зиёнинг тегмайди. Қишлоққа қайтсак, гап шу ерда қолади, деяверишганидан сўнг олдинига 50 та тотиди. Бир сих кабобдан кейин 100, 200 та «отгани»ни билади. Ухлаб қолибди. Сал ўзига келганида, бир коса қимизга ароқ қўшиб узатишибди. Гандираклаб, кетаётиб, лаганда ош кўтариб келаётган Тоживой эзмага урилиб кетди. Натижада ош атрофга сочилибди. Шунда Арслон раис ўрнидан туриб, ғазаб билан:

— Йигитлар, Қўзини кўтариб, сойга отиб юборинглар, — деди.

— Жон оғайнилар, бундай қилманглар, ахир сузишни билмайманку, — дея зорланди у.

Бу илтижоларига раҳми келган раис:

— Ундай бўлса, қўзилигингни кўрсат. Сой бўйига бор-да, қирқ марта ма-ма-ма...лагин.

Раиснинг амри вожиб, шундай қилишга мажбур бўлди у...

Ҳа, қўзининг катта бўлиб, қўчқор бўлиши аниқ. Лекин олтмишдан ошиб, ҳамон қўчқор бўла олмаётганига алами келиб, тақдирга тан беришдан бошқа иложи қолмади, қўзининг.

**Наргиза ХЎЖАЕВА**

*Бўш вақтингизда*

## ТОПШИРИҚЛИ СКАНВОРД

Азиз оқшомхон! Сканвордни ҳал этсангиз айланалардаги ҳарфлардан қаторлар бўйича қомусий аллома Абу Али ибн Сино ёзиб қолдирган ҳикматлардан бирини билиб оласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**




**Газетанинг шу йил 19 декабрь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Рақам атрофига соат мили йўналишида белгиланган хонадан:** 1. Апельсин. 3. Баргизуб. 5. Занжабил. 7. Индуктор. 12. Ангидрид. 13. Аттестат. 16. Аҳмедова. 19. Арматура. 22. Маданият. 24. Акустика. 26. Машғулот. 28. Манометр.

**Энига:** 2. Луб. 4. Гул. 6. «Жар». 23. Ака. 25. Сут. 27. Ғор.

**Бўйига:** 8. Сен. 11. Тут. 14. Руҳ. 15. Тор. 20. Ота. 21. Уфа.

**Ёйлар бўйича:** 9. Зардўзи. 10. Бисквит. 17. Елвизак. 18. Алгебра.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Жайдари. 2. Барчин. 3. Кўнгил. 4. Машқ. 5. Тун.

**Ибратли сўз:** Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб қўй.

*Ажойиботлар*

### ИККИ ОШҚОЗОНЛИ ОДАМ

Америка Қўшма Штатларининг Ғарбий Виржиния штатида шифокорлар беморни рентген аппаратида текшира туриб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолишди, беморда бошқа одамларга ўхшаб битта эмас, балки иккита ошқозон бор экан. «Американ Коллежоф Рейд колжи» нашри журналистларнинг ёзишига қараганда, икки ошқозони одамнинг учраши ҳозирча ягона воқеа эмиш.

### ТЎРТ БУЙРАКЛИ АЁЛ

Гелена Вейнгелейн Цена шаҳридаги банклардан бирида ишлайди. Банк хизматчилари рентгендан ўтишаётганида 33 ёшли Геленанинг буйраги тўрттталиги маълум бўлиб қўлди. Шифокорлар аёлни синчиклаб текшириб, тўрт буйрак тана учун фойдали деган хулосага келдилар. Шуниси қизиқки, ёғли таомлар, сигарет тутуни, спиртли ичимликлар ва хлорли сув Геленада доимо жирканиш ҳиссини пайдо қилар экан. Бу аёл ҳар вақт тоза ҳавода бўлишга интилган ва жисмоний машқларни мароқ билан бажариб келган.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3559 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-107. Топширилди 14.00 1 3 4 5 6